

MARIKON-AUDIT

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, М.Юсуф кўчаси, 46/2 уй, тел.: 268-49-60, факс: 267-62-07,
«DAVR-BANK» ХЕАТБ Мирзо-Улуғбек бўлимида х/р: 20208000204050179001,
банк коди: 01072, СТИР: 203248237
E-mail: marikonaudit@mail.ru

115-сон
2017 йил 28 апрел

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик хулосаси Жиззах вилояти, Фориш тумани, «Эгизбулок» ҚФЙ манзилида жойлашган, «ORIENT FINANCE» ХЕАТБ Амалиёт бошқармасидаги х/р 2021 0000 4004 9135 9001, МФО 01071, СТИР 200340624, ИФУТ: 08110 эгаси «KARBONAT» АЖга тақдим этилади.

Аудиторлик хулосаси Тошкент шаҳар, М.Юсуф кўчаси, 46/2 уй, «DAVR-BANK» ХЕАТБ Мирзо-Улуғбек бўлимида х/р: 2020 8000 2040 5017 9001, банк коди: 01072, СТИР: 203248237, ИФУТ: 69202 – 84400, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 14.02.2008 йилда берилган АФ № 00030-сонли лицензия, «SUG'URTA O'Z» МЧЖ СК компанияси томонидан 07.04.2017 йилда берилган 13/00/00-2673-01-сонли Суғурта полиси соҳиби «MARIKON-AUDIT» МЧЖ томонидан тайёрланди. «MARIKON-AUDIT» МЧЖнинг мустақил директори/аудитори Г.Г.Махмудова (12.09.2012 йилдаги 04404-сонли малака сертификати) томонидан «KARBONAT» АЖнинг 01.01.2016 йилдан 31.12.2016 йилгача даврлар учун илова қилинаётган шартнома асосида аудит ўтказилди. Аудит 30.03.2017 йилдаги АА-3003/10-сонли шартномага асосан ўтказилди.

Аудит Ўзбекистон Республикасининг 26.05.2000 йилдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти стандартлари ва Аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ ўтказилди. Аудит «KARBONAT» АЖнинг молиявий ҳисоботи жиддий хатолар мавжуд эмаслигига етарлича ишонч ҳосил қилиш мақсадида режалаштирилган ва ўтказилган. Молиявий ҳисоботнинг аудитини режалаштириш ва ўтказишда бир томондан ички назорати тизимларининг ҳолати ва иш фаолияти кўриб чиқилди. Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишини ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишини учун «KARBONAT» АЖнинг раҳбарияти жавобгар бўлади. Текширув шу тариқа ўтказилганки, молиявий ҳисоботининг аудиторлик текшируви ушбу ҳисоботдаги барча муҳим жиҳатлар борасида ҳаққонийлик тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун етарлича маълумотлар ва ахборотни танлов усулида йиғиш мақсадида амалга оширилган.

Аудит молиявий ҳисоботда кўрсатилган миқдорлар тўғрилигини тасдиқловчи сонли маълумотлар, тестлар ва аудиторлик танлов усули асосидаги текширувни ўз ичига олади. Биз ўтказилган аудит ушбу ҳисоботнинг ҳаққонийлиги борасидаги фикр-мулоҳазани билдириш учун етарлича асос беради деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, ушбу хулосага илова қилинаётган «KARBONAT» АЖнинг молиявий ҳисоботи барча муҳим жиҳатлар бўйича 2016 йил ҳолатига кўра молиявий ҳолатни ҳаққоний аке эттиради. 2017 йил 01 январ ҳолатига кўра «KARBONAT» АЖнинг активлари ва пассивлари ҳамда амалга оширилган молиявий ва хўжалик амалиётлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради.

Директор/Аудитор

имзо

Г.Г.Махмудова

(12.09.2012 йилдаги 04404-сонли сертификат)

Думалок муҳр.